


Миллат қўпdir Туркистонда, ери, суви, нони бир,
Томир битта, Ватан битта, демак улар қони бир.

N 1 Март 2012

ТУРКИСТОН ТОНГИ

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета



ГАЗЕТАНИНГ ЙЎНАЛИШИ ВА РУКИЛАРИ ҲАҚИДА

“Туркистон тонги”нинг бош мақсади Марказий Осиё худудида яшаётган халқларнинг миллий тутувлиги, дўстлиги ва иттифоқини ёритиш, ўзаро миллий низоларнинг олдини оладиган мақола ва асарларни оммага етказишдир.

Газетамиздаги “Тарих сабоқлари”, “Дарғалар”, “Маданият марказларидан хабарлар”, “Қозоқчани ўрганамиз”, “Туронни куйлаймиз” сингари рукнлар айнан шу мақсадларга: халқларимиз ўртасидаги тутувликни юксалтиришга қаратилган.

“Адабиёт оламида нима гап”, “Шеърият”, “Наср”, “Жиноят ва жазо”, “Инсон хукуқлари”, “Таҳлил” рукнларида маънавиятдаги ва жамиятдаги жабҳалар ҳақидаги бадиий асарлар, ҳаётилизда бўлаётган жараёнларни кенг ва атрофлича

ёритадиган мақолаларга ўрин берилади.

Шунингдек, “Қўшниларда нима гап?” рукнода Марказий Осиё мамлакатларида бўлаётган янгиликлардан дараклар берилса, “Аҳвол қалай, мардикор?” рукнода Қозогистонда, Россияда ва бошқа ўлкаларда ишлаётган ўзбек, кирғиз, туркман ва бошқа меҳнат муҳожирларининг ҳаёти, уларнинг муаммолари ёритилади.

“ҲАЗИЛ - ҲАЗИЛ” рукнода ҳажвиялар, латифалар, памфлетларга ўрин берилса, “Спорт”да шу соҳага оид янгиликлар, Қозогистон ва Ўзбекистон мамлакатлари бу соҳада эришган ютуқлар, айрим камчиликлар ёритилади.

Келгуси сонларда газетхон талаби билан янги рукнлар очилиши мумкин.

Ушбу сонда:

М.Жумабой: “Туркистон“ - 3-бет

Б. Ҳайит: “Туркистон Рус ва Чин орасида.”

4-6 бетлар

Р. Бекназар: “Жаҳолат қурбонига айланган ота” 10-бет

Р. Комилов: “Кимпаратмиз?”
11-13 бетлар

“Олим мардикорнинг саргузаштлари”
13-15 бетлар

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ТОМИРИМИЗ БИР, ТИЛИМИЗ ЯҚИН...

Ҳаммамиз Одам Ота ва Момо Ҳавво фарзандларимиз. Нух тўфонидан кейин ўз ривожини қайта бошлаган Одамзодга Ер юзи бўлингандада Нуҳнинг ўғли Ёфас (туркийча Ўлжайхон) чекига Марказий Осиё - Туркистон ерлари тушган. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, унинг авлодлари Туркистон тупроқларида кўчманчилик билан кун кечиришган. Тарихчи Рашид-Ад-Диннинг “Жамиъ-ат-таворих”ида ёзилишича, ёзда яйловларда, қишда (Барсуқ ва Қорақум атрофларида) қишлоқларда, баҳорда эса, Инонч шаҳри ёнидаги Ўртоқ ва Кўртоқ худудларида умргузаронлик қилишган. Ўлжайхон ҳукмронлик қилган замонлардаёқ бу ерларда икки йирик шаҳар Талас ва Сайрам мавжуд эди...
(давоми 2-бетда).

Қадим замонлардан бери туркийлар деб аталған халқлар кейинроқ Туркистон ва Шарқий Туркестон номи билан шұхрат топған ҳудудларда яшашаркан, күплаб сув тошқынлари, зилзилалар, урушларни бошидан кечиришган. Ўзининг жанговарлайлари туфайли Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Сурия, Миср давлатларини забт этиб, жангчиларнинг бир қисми оиласлари билан ўша ҳудудларда ҳам яшаб қолишиган.

Йиллар, асрлар ўтаркан, Туркестон худудидаги халқлар (худди ўғизлар: қипчоқ, қалаң, қангли, қарлуқ каби турли тоифаларга бўлингандай) турли қавмларга бўлиниб, ҳар бири ўзларини уруғлари оти билан атай бошлаган.

Тарихчи олим Рашид-ад-Диннинг гувоҳлик беришича, бу ҳудудда яшаган туркий халқлар ўзининг сони билан бошка халқлардан устунлик қилган ва кейинроқ мўнғул номини ҳам олган. Демак, мўғиллар ҳам туркийлашган.

Хуллас, бу ҳудудларда: алчин, арғун, арлат, баған, барлас, баҳрин, бўстон, будай, буйазут, буйтай, буйурак, буркут, бусе, ғариб, гирей, жалайир, жалжут, жуйут, жуладжи, журат, жусулағи, жыйыт, дуджир, дурмен, йадж. қалмак, қалывай, қанглы, қара, қарлуқ, қары, қатаған, кенагес, қерайт, қилемчи, қипчоқ, қоҳат, қўнғирот, қур, қурлаут, кучи, қыргыз, қырқ, қышлық, қиёт, манғит, масид, маҳди, меркит (мирзо Улуғбек ва кейинчалик Л.Н. Гумелов бу уруғнинг отини макрит деб аташган), минг, митан, найман, ниқўз, оғлан, оғлен, ойрат, онг, онгачит, онгут, олхонут, пўладчи, рамадан, сарай, сахтиян, сулдуз, сымырчик, табын, там, тама, танғут, тарғил, татар, туладак, туркман, тушлуб, ўз, уйғур, уймаут, уйшун, урмак, ўтарчи, хафиз, хитай, чақмақ, чилкас, чимбай, ширин, шубурғон, шуран, юз, ябу”, (сингари, тарихчилар гувоҳлик беришича, “92 Ўзбек уруғи” номини олган) уруғлар яшаган.

Кўплаб тарихчилар, Чингизхоннинг катта ўғли Жўжининг онаси туркий қавмдан бўлиб, биологик отаси туркий бўлганига шама қилишади. Туркий элларни босиб олган Чингиз Қўнғирот уруғининг бир шохчаси бўлган Ўлхонут қавмидан бўлган Ўэлун исмли аёлни ўзига хотинликка олади (бу аёлнинг аввалги эри Чилгир-

Баҳодир эди) ва кўп ўтмай бу аёлдан фарзанд туғилади. Унинг исмини Жўжи (Йўлчи) қўйишади. Чингизхон афтидан фарзанди ўзидан бўлмаганини билган кўринади, чунки, Жўжини (яъни катта ўғлини) эмас, учинчи ўғли Ўгэдэйни ўзига ворис қилиб тайинлади. Шунингдек, Жўжи Баҳодир ҳам ўзининг ҳақиқий отасини билган бўлса керакки, аскарларининг асосий қисмини (70 минги, яъни 80 фоизини) ўз қавмидан, туркий Қўнғирот уруғидан олган. Жўжининг учта аёли ҳам Қўнғирот уруғи вакилларининг қизлари эди. Кўплаб туркий уруғлар эса вақт ўтиб, Жўжи Баҳодир кўл остида бирлашдилар.

Жўжининг кўл остидаги туркийларнинг кейинчалик Чингизийлардан мутлақо ажralиб чиқиб Олтин Ўрда хонлигига асос солгани бежиз эмас... Қолаверса, Олтин Ўрданинг энг буюк хони туркнинг Қўнғирот уруғидан бўлган Олжай-хотин ва Мангу-Тимурдан туғилган Ўзбекхон ҳам мўғил эмас, туркий қавмдан эди. Демак, Олтин Ўрда бевосита туркийлар қурган хонлик эди.

Кейинроқ (1428 иили) Абулхайрхон томонидан тузилган Ўзбек хонлиги ҳам, бироз ўтиб Керей ва Жонибеклар ташкил этган Қозоқ хонлигининг вакиллари ҳам Олтин Ўрда хонлигининг ворислари эди... Кейинчалик тарих тақозоси билан бу хонликлар номида Ўзбекистон ва Қозогистон давлатлари қарор топди.

Айтилган тарихий фактларнинг бари қозоқ ва ўзбек халқининг туби бир эканлигининг, қозоқлар бекорга “Ўзбек ўз оғам” демаслигининг далилларидир.

Ботир НОРБОЙ, Сейитбай БАЙДУЛЛАЕВ.

Муаллифлар изоҳи: уибу бош мақола Рашид-ад-Диннинг “Жамиъ-ат-таворих”, Улугбекнинг “Тўртулус тарихи”, Л.Н. Гумилевнинг “Мўғиллар ва меркитлар XII асрда” китобларидан ва Р.Абдуллаевнинг Ўзбекистон: «Чакириқлар, кўрқитишлар, муаммолар ва холосалар» каби мақолаларидан фойдаланилиб ёзилди.

Таҳририятдан: қозоқ ва ўзбек тарихчиларига, олим ва журналистларига муорожсаат қиласиз: модомики, ҳудудларимиз, динимиз бир, тилимиз яқин экан, халқларимиз тарихини ҳам (иложи бўлса, хронологияга асосланган ҳолда) биргаликда ёзайлик! Газетамида асосий мақолалар ҳар икки тилда таржима қилинган ҳолда босилади.



Мағжан
ЖУМАБОЙ
ТУРКИСТОН

Туркистон – икки дунё эшиги бу,
Туркистон – ҳар бир туркнинг
бешиги бу,
Туркистон – Тангри берган
мұқадdas жой,
Туркистон – ҳар бир туркка
сочар ёғду.

Мозийда Туркистонни Турон демиш,
Туронда түрк улуси топған емиш,
Туроннинг тақдири ўн долғалидир,
Бошидан оғир күнлар кечган емиш.

Туроннинг тарихи бор мисли олов,
Теранрок боқсанг ўтдай ёнар лов-лов.
Туроннинг ери билан суви қадим,
Денгиздай ғамига дил бермайды дов.

Туроннинг икки чексиз чўли гўзал,
Денгиздай қирғоги йўқ кўли гўзал,
Туроннинг тўлиб оккан дарёлари,
Яна бир тўлиб окса сели – гўзал,

Туроннинг тоғлари бор осмон ошган,
Пурвиқор чўққиларин корлар босган.
Бағрида кўк булоқлар жимирилади,
Яралиб тоғдан оккан томчи ёшдан.

Сахролари юзин босмиш
қат–қат ажин,
Сассиздир, олган каби мангуга тин.
Кўринмас жон жонивор
сарғиш уфқда,
Кумларда ракс этади парию жин.

Туроннинг сувлари бор мовий, зилол,
Чайқалиб яшнаб ётар улкан Орол.
Бир томон – ярқираган Иссиккўлнинг,
Бағрида дунё кўрган туркий кўёл.

Ўртада Жайхун, Сайхун оқар сарин,
Икки нахр боқиб келган
туркнинг барин.
Бешак бу икки дарё орасинда,
Топгайсан улуғ бобонг эртакларин.

Туроннинг Тиёншондай тоғи қалай,
Тенг келмас Тиёншонга тоғлар талай!
Туркнинг чўнг фурурин ёдга олгин,
Викорли Хонтенгрига қарай–карай.

Йўқса у буюк юртга ўхшармиди?
Улуғлар бу заминни йўқлармиди?
Қазигурт хосияти тоғ бўлмаса,
Тўфонда Нух кемаси тўхтармиди!?

Бу тупроқ эзгу – гарчи оддийдайнин,
Укарсан тарих кўрсанг буни тайин.
Туронга бежиз хумор бўлган эмас,
Қачондир Қайхисраву Зулкарнайн.

Бу шундай хуш ўлқаки –
тонглари соғф,
Ботирлар этди уни шаън, файзиёб.
Туроннинг довругини кўтартган илк
Шавкатли, афсонавий Афросиёб.

Туронга ер юзида ер етганми?
Башарда турк элига эл етганми?
Бемисл матонатда, заковатда
Туроннинг эрларига эр етганми?

Туроннинг беклари бор Тарагайдай,
Туғилган ундан Темур ўт бўп ўйнай.
Танилган ер юзига Соҳибқирон,
Чақмоқдай қиличини қўлдан қўймай.

Туронни мактамайман манманликка,
Довругин билар уни олис - чекка.
Англамоқ борасида ўлдуз сирин
Ким бордир – тенг келолса

Улугбекка.

Аслдир хосияти туркнинг қони,
Туғди шу қон Берунию Синони.
Келдими бу заминга улардай зот –
Забт этган ақли билан кенг дунёни?

Камситган ким қадим мусиқасин?
Биларми у дўмбира ё уд сасин?
Фаробий илк бор ясад чалганида,
Диллардан қувмаганни

гам шарпасин?

Турк азал олов номин олмаганни?
Дунёниг бағрига ўт солмаганни?!
Талай турк бўлакланиб таралаганда,
Қозоқда қора ўтов қолмаганни?

Арслондек элга Ватан бўлган Турон,
Тиклаган қозоғим ҳам унда қўргон.
Қозокнинг танти, доно Қосимхони,
Туроннинг фахри бўлган
қозониб шон.

Одил хон кам учрайди Назардайин,
Улусга Есимхоннинг йўли тайин.
Таукедай донишманд хон курган экан,
Култепа деган жойда Курултойин.

Бу Турон азал – азал эзгу макон,
Дардига юпанч топған ҳар битта жон.
Туроннинг тупроғида ором олар,
Танти эр, арслон юрак Абилаҳон...


Фам чеккан ўз юртида топар қоим,
Тулпор ҳам туккан ерин кўмсар доим,
Ботишу сўлға қараб кетган улус,
Турондир, билсанг сени
туккан жойинг.

Ўртада Жайхун, Сайхун оқар сарин,
Икки нахр боқиб келган
юртнинг барин,
Бешак, бу икки дарё орасинда,
Топгайсан улуғ бобонг хикматларин.

Мирпўлат Мирзо таржимаси

Мағжан Жумабой ҳақида сўз

Мағжан Жумабой туркий – қозоқларнинг фидоий шоири эди. Адабиётшунослар унинг ижоди ва ҳаётини туркий - ўзбек шоири Чўлпонга ўхшатиши. Дарвоқе, Мағжан ҳам худди Чўлпондек, дастлаб эски мактабда ва мадрасада ўқиди, сўнг Татаристонга бориб Олимжон Иброҳимовдан сабоқ олди. Кейин эса, Тошкентта келиб, маълум муддат бу шаҳарда яшаб ижод қилди... Уларнинг ҳаётигина эмас, ижодлари ҳам бир бирига ўхшашиб. Заки Валидий бу икки шоири ҳақида: “Мағжан ва Чўлпон бир бутун миллатнинг дардини куйлаган бир-бирига ўхшашиб шоиrlар, орадаги фарқ факат уларнинг исмлариади. Улар туркий миллатнинг ори ва виждони эдилар”, деб ёзганди. Уларнинг асарларидағи ўхшатиши ва тимсоллар ҳам бир бирига яқин. Мағжан худди Чўлпон каби, шўро тузимини қоронғу тунга қиёслар, Фарб деганда босқинчиларни, Шарқ деганда мазлум туркий элларни тушунарди. “Ўз миллатини севган киши миллат баҳти учун ўз баҳтини курбон қилади”, деган эди Мағжан Жумабой. Ўзи айтгандай, Туркий-қозокнинг буюк шоири Сталин катогонининг курбони бўлди.



ТУРКИСТОН РУС ВА ЧИН ОРАСИДА

Боймирза Ҳайит

1. ТУРКИСТОНГА ЎРУС ҲҰЖУМИНИНГ БОШЛАНИШ ТАРИХИ

...Ўрусиya XVI юзийилликда Туркистоннинг таҳликали рақибиға айланди; Туркистон давлатлари буни фаҳмлай олмадилар. Ўрусиya 1480 йилда турк-мўгул истибодидан эндиғина кутулган эди. Фақат ўша замонларнинг ўлчовига кўра Ўрусиya, тадрижий равища, Туркистонга қарши заминли юриш қила олишини ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмасди. Турк ерларини кўлга киритиш учун Москва шаҳзодалари режалар хозирлашар ва уни амалга ошириш учун фурсат пойлар эдилар. Осиёда йирик бир мустамлакачилик сиёсатини бошлашдан аввал Рузиya Оврупада мавқенини мустаҳкамлаш учун ҳаракат бошлади. Турклар 1453 йили Константинополни забт этгандан сўнг Москва раҳбарияти Византия императорлиги ерларини бўйсундириш умидида эдилар. Чунки бу даврда Оврупада Византия императорлиги меросига ворис бўладиган даражада курратга эга бўлган бошқа давлат йўқ эди. Шаркий Оврупада Москва шаҳзодалари орасида христианликни исломдан химоя қилиш ғояси тарқалган эди. Шу тарзда III шаҳзода Иванда Византиянинг сўнгги Қайсарининг жияни София Палеологга уйланиш фикри пайдо бўлди. Никоҳ 1473 йили қайд килинди. Шундан сўнг Венедик Сенатосу III Иванни Византия императорлигининг қонуний меросхўри, деган карор қабул қилди. III Иван бу мерос хуқуқига биноан жуфт бургутни “рамз” сифатида ўзлаштириди - XVI асрнинг ўрталарида Московда “Москов З-Румдир” деган фикр тарқатилди. Бу гоя рус сиёсатида етакчилик қила бошлади. Шундан бошлаб Москов шаҳзодалари шу ишонч асосида ҳаракат қилдилар.

Ўрусиya раҳбариятининг Московни З-Рум даражасига етказиш хаёли уларни салтанат вассасасига солди. Ўзларини усмонлиларга (туркларга) нисбатан заиф ҳис этган Ўрусиya “Византия” императорлигини шарқий ерлардан-Ўрта Осиёда давом эттиришни режалаштириди. Ўрусиya татарлар босқинидан энди кутулиб, мустақил давлат ташкил қилган даврда ёки ўрусиya хуқумати эътиборни Шарққа қаратди - Ўрусиya IV Иваннинг ҳокимияти даврида -1437 йили Олтин Ўрдадан ажраб, мустақил ислом-турк давлати бўлган Қозон хонлигини 1552 йилда, 1466 йилдан эътиборан мустақил бўлган Астрахан хонлигини 1556 йилда босиб олди, ўруслар Идил (Волга) ва Ёйик (Урал) дарёларига ва бевосита Хазар (Каспий) денгизига туташдилар. Бундан кейин ўруслар Шарққа юришларини тўғридан-тўғри давом эттиришди. 1558-82 йилларда Сибирия қўлга киритилди. Бу истилочилик сиёсати билан Кучумхон идорасидаги жанубий Сибирия туркларининг мустақиллигига ҳам барҳам берилди.

Ўрусиya Туркистоннинг шимоли ва шимоли-гарбида

ўз мавқенини мустаҳкамлаш учун славян ирқига мансуб бўлган казакларнинг эътиборини қозонишига киришиди. Казаклар ўрус қўшинлари химоясида Ейик дарёсининг ўнг кирғогига жойлашдилар. Улар бу ерларда Туркистонга қарши қаратилган юришнинг илғорига айлана бошладилар. Казаклар хотинларини ўзлари билан олиб келмаган эдилар. Шунинг учун мусулмон хотинларни олиб қочиш кундалик заруратга айланиб қолганди. Улар бундай ёввойи босқинчиликларни эркин амалга ошира олишга ишонар ҳам эдилар. Казакларнинг йўлбошчиси Нечай 1602 йилда Урганчда пайдо бўлди ва шаҳарни талади. Хоразм хони Араб Муҳаммад талончиларни таъқиб этиб, ҳаммасини асир олди ва қатл қилдирди. 1604 йили казаклар Шамай бошчилигига Хивага юрдилар. Мақсадлари бу шаҳарни ишғол этиш эди. Фақат Хива кучлари томонидан орқага қайтарилиди. Кўринадики, казаклар Сибириянинг Ўрусиya томонидан ишғол қилинишида жуда катта рол ўйнаганлар. Ўрус раҳбарияти Туркистонни истило қилишни казаклар ёрдамида амалга оширишларига ишонар эдилар. Шу мақсадда 1597 йилда Ёйик казаклари ҳарбий нуктаи назардан етук бир ҳолатга келтирилди. 1775 йили Ёйик дарёсининг номи “Урал”га ўзгаририлди. Урал казакларининг ҳарбий бирликлари ниҳоят **XIX асрнинг ўрталаридан эътиборан қирғизлар Ўрта Осиё истилосида Ўрусиya фойдасига буюк хизматлар кўрсата бошладилар**. Худди шундай Сибирия казаклари ҳам 1808 йилда марказлашган ҳарбий маҳкамага бўйсундирилдилар. Ўрусиya аста-секинлик билан Туркистон заминига кира бошлади.

Қозоннинг, Астраханнинг, Сибирия ва Ёйикнинг Ўрусиya тарафидан қўлга киритилиши Туркистонни унинг яқинига келтириди. Аслида Ўрусиya XVI юзийилликдан бери катъий бир истилочилик режалари билан Туркистон дарвозалари томон катта қадамлар ташламоқда эди.

2. ЎРУСИЯ БИЛАН ТУРКИСТОН ОРАСИДАГИ САВДО ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР

Туркистон савдогарлари ўруси бозорларини дастлаб қашф этгандардан дар. Ўруси тарихчиларнинг маълумотларига кўра, Туркистон савдогарлари 1364 йилда Нижний-Новгородга борганлар. Ўруслар ҳам Қозон ва Астраханни ишғол этгач, Ўрусиya ва Туркистон орасидаги савдо муносабатларини йўлга кўйиш имконига эга бўлдилар. Бу икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар эса, фақат XVI юзийилликка келиб ўрнатилди. 1585 йилда Хива элчisi Маҳмудхўжа ва Бухоро элчisi Муҳаммад Али Московга келиб, чор Федор Ивановичга хонларнинг дўстлик мактубларини тақдим этдилар. Бухоро хони томонидан жўнатилган мактубда, чор ўз шахсига кўрсатилган хурматни етарли эмас, деб ҳисоблади. Ҳар холда чор

Бухоро ўзбекларининг құдратини ва улар ватани буюклигина менсимасди. Хива ва Бухоронинг бу илк дипломатик миссиясининг натижасида аён бўлдики, чор ва унинг атрофидагилар Туркистон хукмдорларини майда ва кучсиз деб хисоблар экан. 1598 йили Борис Годунов ўз элчиси Бойбўри Тайшевни (татар) Бухорога жўнатиб, улардан ўрусларига бошқа хукуматлар каби чукур хурмат кўрсатишни талаб қилди Бундай хурматсизликка нисбатан Бухоро хони ҳеч бир монелик қилмади. 1616 йили Хива элчиси Московга келиб тижорат муносабатлари юзасидан учрашувлар ўтказди. 1619 йилда Московдан Бухорога элчи жўнатилди. Москов элчисига берилган кўрсатмада: хон элчини қабули вақтида тик туришлик, чорнинг номи тилга олингандা ва ахволи сўралгандан уни Қайсар (император) сифатида хурмат этиши талаб қилинди. Бухоро хони бу талабларга эътибор бермади. XVII аср давомида Туркистондан (Бухоро ва Хивадан) Ўрусияга ўн олтига дипломатик ҳайъат борди.

Ўрусиядан ҳам Туркистонга тўққиз дипломатик ҳайъат жўнатилди. Туркистон ҳайъатларининг асосий вазифаси тижорат сиёсати эди. Ўрусия ҳайъатларида эса тижорат вазифалари қаторида сиёсий топшириклар ҳам бор эди. Масалан, Бухоро ва Хивага юборилган ўрусларига берилган кўрсатманинг матни шундай эди: “Зиёрат этилган мамлакатнинг сиёсати, иктиносидий ахволи, ҳарбий тузуми ва қўшни мамлакатлар билан боғланган йўллар ҳақида маълумот тўпланиши керак”. I Петр Туркистонга ва Ҳиндистонга, айниқса, катта эътибор берар эди. У Ўрусиянинг Туркистондаги нуфузини савдо-сотиқ воситасида кенгайтира билишига ишонар эди. Хазар денгизининг бу мақсадни амалга оширишдаги сиёсий, иктиносидий ва ҳарбий аҳамиятини яхши тушунган эди. Бу ердан Кавказ, Эрон, Туркистон ва Ҳиндистонга йўл очиларди-да! I Петр бу мақсадига эришмоқ учун Туркистонга мамлакатнинг ахволини ўз ерида аниқламоқ ниятида мунтазам равишда дипломатик ва тижорат карvonлари юбориб турди. Ўрус савдо ва дипломатик миссияси то Туркистонни босиб олиш учун қатъий бир қарорга келгунча бу борадаги ўз ишларини давом эттириди.

Ўрус миссионерларининг ҳарбий мақсадидан ташқари ўзига хос бошқа хунарлари ҳам бор эди. Булар: “ишончли хабарларга кўра” каби уйдирмалар воситасида хукмдорлар билан қабилалар ўргасига нифоқ солиш, пора бериш, кўркитиш, бўхтон қилиш қабилардан иборат эди. Ҳолбуки, Туркистон Ўрусия хужумидан аввал оғир бир фафлатга чўккан эди. Ўрусияда бўлган Туркистон вакилларига Ўрусиянинг тузуми, ахволи ҳақида маълумот тўплаш учун Туркистон хукумати томонидан қандайдир бирон-бир топшириқ берилгани ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. Туркистон хукуматлари Ўрусиянинггина эмас, бошқа қўшни давлатларнинг ният ва мақсадлари ҳақида маълумот тўплаш тушунчасига эга эмас эдилар, факат “душман билан майдонда қаҳрамонларча урушмоқ”, каби қадимий, эскирган фикрлар билан яшардилар.

Туркистон хукумати ташки сиёсатга жуда кам эътибор берар эди. Асосан, ички масалалар билан ўралashiб

қолар эдилар. Шу боисдан ўз ирқдошлари ва диндошлари билан кўпроқ уруш килар эдилар. XIX юзийилликнинг бошланишида Туркистонда тақдирга тан бериш хукмрон фоя эди. Бу ҳолат ҳар қандай ҳодисани тақдирга йўйишига олиб келар эди. Бухоро ёки Хивага Московдан бирор ҳайъат келганида, “коғир”ларнинг самимиятига шубҳа қиласидилар, аммо ҳеч кимсанинг ақлига Ўрусиya ҳақида маълумот тўплаш фикри келмасди.

Чингизхон ва Темур даврида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бўлган жосуслик ғайриахлоқий ходиса сифатида талқин қилинарди ва шу сабабли Ўрусиянинг шум ниятларини ўз вақтида ўрганадиган кимса топилмади. Натижада, Ўрусиya Туркистонни истило қилиш учун душманлигини билдирумасдан, мақсадини усталик билан яшириб, фурсат кутди ва ҳар гал “нормал савдо муносабатлари ўрнатиш” баҳонасида Туркистонга кириб келди.

3. ИСТИЛОДАН АВВАЛ ЎРУСИЯНИНГ ТУРКИСТОНГА ЮБОРГАН ҲАРБИЙ РАЗВЕДКАЛАРИ

Ўрусиya XVI асрдан бери Сибирия йўли орқали Хитойга, Туркистон йўли орқали Ҳиндистонга ва Кавказ йўли орқали Эрон ҳамда Туркияга чиқиш мақсадида бўлса ҳам, XVIII асрнинг бошларига қадар Туркистонга қарши тўғридан-тўғри ҳарбий юришни ташкил кила олмади. I Петр даврида Туркистонга юборилган ҳарбий разведка бўлинмаларидан мақсад ҳам юқорида зикр этилган ниятни амалга оширишга қаратилган эди.

Астархон валиси 1713 йилда Астраханга келган туркман савдогари Ҳўжа Нафаснинг берган маълумотига таяниб, I Петрга Хазар денгизи бир замонлар Амударё ўзани орқали Орол кўлига боғланганлигини; Амударёнинг ҳозирги куйи қисмида ва Ёркент атрофида бой олтин конлари борлигини баён қилди. Бу хабар натижаси ўларок, Ҳўжа Нафасга “ўрус барони” унвони берилган эди.

Олтинга ўч бўлган I Петргинги олтинни тез қўлга киритиш учун ҳарбий қисм жўнатишдан бошқа чораси йўқ эди. 1714 йил 22 майда у Буххголцга Тобол ва Иртиш дарё йўллари орқали Ёркентга (Шарқий Туркистон) юриш ўюштириш амрини берди. Бу қисм 1716 йили Иртиш дарёсига етишди, лекин ойратларнинг қаршилиги туфайли ўз мақсадига эриша олмади. Шу йили Буххголц Омск қалъасини қурдирди. Буххголц отрядининг мағлубияти I Петрга Ўрусиya Иртиш ҳавзасини ўз ҳокимияти остига олиши учун кучли қалъалар бунёд қилиши кераклигини англатди. Шу сабабли 1720 йилда генерал Лихаревни Иртишга юборар экан, Еттитом (Семипалатинск) ва Уст-Каменогорск қалъаларини иншо эттириди.

1714 йил 29 майда I Петр Хивага ҳарбий разведка ўюштиришга қарор қилди. Бу ҳарбий разведдага раҳбарликни I Петргинги мураббийси бўлмиш Б.А.Галинцевнинг күёви ва христианликни қабул қилган Александр Бекович Черкасскийга (асли исми Давлат Киздан Мирзо бўлиб, кабардали мусулмонлардан эди) топширди. Черкасский

1713 йилдан бери I Петрнинг “Шарқ масаласи” буйича маслаҳатчи мутахассиси эди.

1714 йил 28 сентябрда бу ҳарбий разведка (қўл илғор) 1900 нафар аскар билан Оксус (Амударё) атрофида ҳаракат бошлади. Разведканинг бир қисми 25 апрель 1715 йилда Мангишлоқ ярим оролига келди ва Ўрусия тарихида илк бора Оксуснинг (Амударёнинг) қуий оқимидағи ҳарбий-илмий изланишини ўтказди. 1715 йилнинг сентябрда бу ҳарбий қисм Астраханга қайтди ва Черкасский 1 Петрдан ҳарбий разведкага янги кучлар жалб қилишни илтимос қилди. 1716 йил 14 февралда Петр Хивага жўнатилаётган ҳайъат учун янги фармон ва Черкасскийга амалий ҳаракатлари учун 13 моддадан иборат кўрсатма берди. Бу кўрсатмага биноан : Черкасский Хива хонлигидаги-ларга билдирамай, Амударёнинг эски ўзани (Узбой ўзани ҳақида ган боряпти) да 1000 аскарга мўлжалланган қалъа қуриши; хонликнинг Ўрусия химоясига киришини таъминлаши ҳамда Хива воситасида Бухорони асоратга олиш имконларини ва Ҳиндистонга борадиган йўлларни аниқлаши керак бўлган .

1716 йилнинг илк баҳорида 6565 аскардан ташкил топган отряд (буларнинг орасида 500 татар, 32 қалмоқ, 22 черкас бор эди) ҳамда 31 инженер ва 50 нафар фуқаролик маъмурлари, таржимонлар, дипломатлар ва бошқалар, 138 кема билан Хива ерларида ҳаракат қила бошлади. Ҳужум чоғида юқорида номи зикр этилган Хўжа Нафас ва қозонлик Ураҳмед Ахмедовлар бошловчилик қилдилар. Рус кучлари Хивага етмасидан олдинроқ Хива хони қалмоқлар хони Аюку хон тарафидан огоҳлантирилиши эса, кўхна тарихнинг бир жилvasи эди. Чunksi, бир турк ва мусулмон бўлган ҳукмдорга ўrus отрядининг шум нияти ҳақида маълумот берган, огоҳ этган одам бирор туркий ёки мусулмон эмас, балки буддист бўлган бир ҳукмдор эди.

1717 йилнинг илк баҳорида Черкасский 3500 аскари билан Хивага кирди. Шерғозихон (1715-1727) Черкасскийдан бунча миқдордаги аскарларни жойлаштирадиган алоҳида жой мавжуд бўлмаганлиги боис аскарларни уйларга тарқатишни илтимос қилди. Черкасский бу таклифни қабул этди. Факат мингбоши Франкенберг Черкасскийнинг бу қарорига қарши чиқди, аммо унинг сўзи ўтмади. Рус аскарлари уйларга жойлаштирилгач, хон уларнинг барчасини ўлдиришга фармон берди. Ҳақиқатан, Черкасский ҳам бошқа бирон аскар ҳам соғ қолмади. Бундай тадбир Хоразм тарихида кўрилмаган эди; зоро, хоннинг нияти ва амрига ҳеч ким хиёнат қилмади. Бу босқинчиларни маҳв этиш билан Хива Ўрусияга мамлакатни истило этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат шу аҳволга тушади, деб сабоқ бергандай бўлди. Ўруслар бу фожиадан кўп нарса ўрганиб, хулоса чиқардилар Ҳарбий разведканинг ачинарли оқибатини кўнглига тушиб, дастлабки кулай фурсатдаёқ Хивани жазолаш, ундан ўч олиш йўлини излай бошладилар.

Ўrusия бу мағлубиятдан сўнг Хивага жавоб зарба бериш учун ҳозирлана бошлади. Бу ҳозирлик зимдан, шовшувсиз давом этди. Ўrus хукумати, аввало, Орол кўлининг шимолида назоратни ўз қўлига олишга интиларди. Шу мақ-

садда Оренбург ҳарбий чизигини яратишга киришилди.

1717 йилдан 122 йил ўтгач, Ўrus раҳбарияти 1839 йили Хивага қарши янгидан куч ишлатиб, хонликни ишғол этишга қарор килди. Орадан ўтган 122 йил давомида, бироз танаффуслар билан бўлса ҳам, Хива тузуми, мамлакат ахволи ҳақида маълумот тўпладилар. Шу ниятда 1824-25 йилларда П. Циалковский бошчилигидаги қуролли бир карvon Хивага жўнатилди. Бу карvon Хива хонлиги томонидан асир олинди... 1 Рус ҳукмдорлари 1838 йилда Хива хонлигини рус қуроли кучи билан бўйсундириш вакти етилганлигига ишонди.

1839 йилда генерал Перовский қўмондонлигига Хивага сафар уюштиришга қарор қилишди. Бу ҳарбий бирлашма 1839 йил 14 ноябрда 5217 аскар ва 8000 нафар бошқирлардан ташкил топган ёрдамчи куч билан бирга 30.000 от, 20000 тута ҳамда 22 тўп билан Хивага тўғри юра бошлади. Генерал Перовский: “Ўrusия ивани кўз кўриб, ҳеч қулоқ эшитмаган тарзда жазолаяжак” деган ўрон (парол) ни берди ва “Биз икки ойда Хивада бўламиш ва хонликнинг бошкентида биринчи навбатда хоч (крест) ва Инжил олдида ўrus подшосининг саломатлиги ҳамда ватанимиз шуҳрати учун дуо қиласиз”, деди. Бу сафардан максад кўп эди: аввало, Хивани ўrus назорати остига олиш, ўrus савдогарларига хонлик ҳудудида эркин ҳаракат ҳуқуқини олиб бериш, ўруслар кўл остида яшаёган туркман ва қозоқларни хоннинг таъсиридан узок тутиш; Сирдарё атрофидаги хонлик қалъаларини йўқ қилишга хонни мажбур этиш ва ҳк.

Ўrus кўшини Хива лашкари билан илк дафъа 1 декабр 1839 йилда Уст-Юртдаги Беш Тумак воҳасида тўқнашди. Дастребки жанг 5 декабр 1839 йили бўлди. Ўруслар бу жангни бой бердилар. Ўруслар кўл остида яшаёган туркман ва қозоқларни хоннинг таъсиридан узок тутиш; Сирдарё атрофидаги хонлик қалъаларини йўқ қилишга хонни мажбур этиш ва ҳк.

Иккинчи мағлубиятдан сўнг ўруслар эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишга мажбур бўлдилар. 1852 йилгача Хива ва Кўконга қарши иирик ҳарбий ҳаракатдан тийилдилар. Тўқнашувлар фақат шаҳар ва қишлоқлар билан чегараланди. Шунда ҳам то 1852 йилга қадар Ўrusия Сирдарёнинг қуий оқимида ўз мавқеини химоя этишга муваффак бўлди. Масалан, 1847 йилда Райим қалъасининг қурилиши, Орол кўли ва Сирдарё ҳавзасида ҳарбий нуқтаи назардан мавқеларини мустаҳкамлаш учун ҳаракатлари бунга бир далилдир. 1854 йили Хивага уюштирилган янги бир юриш ҳам юқоридагилар каби мағлубият билан тугади ...

*Бахтиёр Исабеков туркия туркчасидан таржсима қилган.
(давоми кейинги сонда)*

“Дунёниг кўп давлатларида муҳожирларга нисбатан қараш салбий”

Халқаро Миграция Ташкилоти халқаро ҳамжамиятни муҳожирлик масаласида, ўзи айтмоқчи, конструктив мулокотга чақирган.

Ўзининг 60 йиллиги муносабати билан чиқарган ҳисоботда Халқаро Миграция Ташкилоти муҳожирларга одатда салбий қараш мавжудлиги ва муҳожирлик ҳақидаги баҳслар ўта сиёсийлиги боис жамоатчилик миграция ҳақида нотўғри тасавурга эга эканини айтган.

“Биз ҳозирда инсонларнинг бир мамлакатдан бошқасига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ва тез-тез кўчаётганликлари замонига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аслида муҳожирлар ҳам келиб меҳнат қилаётган мамлакатлари ҳамда ўзлари ташлаб чиқсан давлат иқтисоди учун ижобий кўриниш ҳисобланади. Аммо, ерлик ахолининг муҳожирларга муносабати кўпда салбийдир”, дейди Би-би-си муҳбери.

Халқаро миграция ташкилоти томонидан тадқиқот ўтказилган давлатлар ахолиси муҳожирлар сони ҳаддан ташқари кўп деган тушунчага эга эканлар.

Улар кўпда муҳожирларнинг ерлик ахолига нисбатта катта, деб ўйлашлари маълум бўлган.

Масалан, италияликлар муҳожирлар мамлакатлар ахолисининг 25 фоизини ташкил этади деган фикрдлар. Лекин, аслида бу ракам 7 фоизни ташкил қиласди.

Бу каби нотўғри тасаввур, шунингдек муҳожирот масаласи юзасидан сиёсийлаштирилган баҳслар ташкилотга кўра, ишлизик ва уй-жой етишмаслиги каби асл муаммоларни яшириш ё-да, бузуб кўрсатиш йўлида хизмат қиласди.

Халқаро Миграция Ташкилотига кўра, муҳожирлик муаммоси борасида конструктив ва ижобий баҳсларсиз муҳожирлар интеграцияси масаласи сустлигича қолади. Ва келиб яшаётган мамлакатида иш излаш ҳамда топиш учун қаттиқ тиришувчи муҳожирлар жамиятнинг ажralган бўллаги бўлиб колаверадилар. Меҳнат муҳожирлиги - дунёниг кўплаб мамлакатларида асосий баҳс мавзуси ҳисобланади. Баъзи мамлакатлар учун муҳожирлик - кони фойда бўлса, бошқалар учун - муаммо ўчиги ҳисобланади.

Муҳожирларга жамоатчилик баъзида эҳтиёткорлик билан, кўп холларда эса очикча салбий муносабатда бўлади.

Халқаро Миграция Ташкилоти ҳисоб китобига кўра, дунё ахолисининг деярли уч фоизини, ёки тахминан 200 миллион одамни муҳожир деб ҳисоблаш мумкин.

Расмий маълумотлар бўйича, Россия худудида 10 миллиондан ортиқ меҳнат муҳожири яшайди.

Конуний муҳожирлар сони 2 миллиондан ортиқ эканлиги айтилади. Россия Федерал миграция хизматига кўра малакатдаги меҳнат муҳожирларнинг катта қисмини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади.

Иккинчи ўрин Тожикистон ва учинчи ўринни эса, Украина фуқаролари эгаллади.

Тожикистон муҳожирлик хизматига кўра, ҳозирда Россияда 1 миллион 32 минг 600 нафар тожик фуқароси истиқомат қиласди.

Россия расмийларига кўра, Марказий Осиё республикаларидан келаётган меҳнат муҳожирларининг катта қисми малакасиси ишчилардан иборат.

Россияда ҳам муҳожирларга нисбатан ёвқараш шакллангани ҳақида тез-тез гапирилади. Москвада сартарошлиқ қилаётган тожикистонлик Фуркат Абдурахмонов ҳам Россияда меҳнат муҳожирларига нисбатан салбий муносабат мавжудлигини айтади. “Бу ернинг фуқаролари мана шу ўзбек, тожик, кирғиз, қоғозларга, умуман, кора сочли инсонларга муносабати яхши эмас. Тожикистонда яқинда учувчиларни ҳисбга олганидан кейин бу ерда телевидение ва радиода муҳокамалар жуда кўп кетди”, дейди у.

BBCUZBEK.COM таҳририяти



Н. А. Назарбоев: Исломни обрўсизлантиришга қарши ягона ахборот лойиҳаси тузмоқ керак

Қозоғистон Президенти Назарбоевга кўра, Исломдинини обрўсизлантиришга қарши туриш учун ягона ахборот лойиҳасини тузиш керак.

Президентнинг таъкидлашича, дунёдаги аксар глобал оммавий ахборот воситалари Исломни миллий хавфсизлик, маданий ва диний асосларга хавф сифатида талқин қилмоқда.

“Биз ҳамкорликда Исломни тинчлик, эзгулик, тоқатлилик ва адолатли дин сифатида ижобий тимсолини шакллантишимиз лозим. Буюк таълимотнинг обрўсизлантиришга глобал ва минтақавий даражада қарши туриш учун исломий давлатларда умумий ахборот лойиҳаси устида жиддий ўйлашимиз керак”, - деб айтган Остонада бўлиб ўтётган 7-Халқаро Ислом иқтисодий анжуманида сўзланган Н.А.Назарбоев.

Шу билан бирга Назарбоев жаноблари Исломни замонавийлаштириш таклифини ҳам ўртага ташлаган.

“Исломни замонавийлаштириш унинг асосларини ўзгартиришни англатмайди. Ислом жамиятини замонавийлаштириш кундек равshan, у технологик, илмий ва иқтиносий ривожланишини қамраб олади”, - дейди Назарбоев.

Қозоғистонда мусулмонлар аҳолининг 70 фоиздан ортигини ташкил этади. Мамлакатда 24 соатлик исломий телеканал фаолият юритади. Туман ва шаҳарлардаги масжидларда бепул диний савод очиш курслари ташкил қилинган.

Шундай бўлса-да, мамлакат раҳбариятининг динга бўлған қараши ўзгачалиги билан ажралиб туради.

Таълим ва илм вазири ўқув юртларига қизларнинг хижобда келишига қаршилигини таъкидлаб келади.

Назарбоевнинг ўзи ҳам қозоқ аёлларининг ҳеч қачон хижоб киймаганини билдирган.

Остонада анжуман доирасида сўзлаган диний ишлар бўйича агентлик раҳбари Қайрат Лама Шарифга кўра, мусулмон давлатларидағи хижобга йўл очиш орқали Қозоғистоннинг миллий ранг-баранглигига путур етиши мумкин.

“Тунис давлати томонидан 1981 йилда қабул қилинган қонунга кўра, хижоб - исломнинг асоси эмас, у кўпроқ араб ва бадавийлар маданиятига хос”, - дейди Қайрат Лама Шариф.

Шодиёр Сайф
Би-би-си, Олма-Ота

ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ ТААЖУБДА...

Кирғизистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари Азимжон Аскаровга нисбатан чиқарилган Олий суд ҳукмини мамлакат учун шармандали хол, дея баҳоламоқдалар.

Кирғизистонлик таникли ҳуқуқ ҳимоячиси Тўлейқан Исмаилова (миллати кирғиз - “Туркистон тонги“ таҳририяти) Қирғизистон Олий суди 20 декабрь куни Азимжон Аскаровга нисбатан адолатсиз ҳукм чиқарди, деб хисоблайди:

-Биз ҳозирдан бошлаб Азимжон Аскаровни озодликка чиқариш бўйича бундан-да кўпроқ ишлашни бошлаймиз. Бир киши томонидан қўйилган, ноқонуний ва коррупциялашган судялар Қирғизистонни шу аҳволга олиб келишди. Биз Аскаровнинг яқинларига ва ҳамфирларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Биз эркинлик учун курашни

давом эттирамиз, Аскаров ва бошқа бегуноҳ қамалганлар озодликка чиқади, - деди Тўлейқан Исмаилова.

20 декабр куни Қирғизистон Олий суди Азимжон Аскаровга нисбатан қўйи инстанция суди чиқарган карорни ўз кучида қолдирганди.

Эслатиб ўтамиз, Азимжон Аскаров ва у билан судга тортилган ўзбек миллатига мансуб яна етти киши 2010 йилнинг июн ойида рўй берган Ўш қирғини чогида Бозорқўргон туманидан ўтувчи Ўш-Бишкек йўлини тўсиб кўйиш, милиция ходими Миқтибек Сулаймановни ўлдириш ва тартибсизликларни уюштириш каби ҳатти-харакатларда айбланиб, ҳибсга олинган.

Ҳуқуқ фаоли тартибсизлик ташкилотчиларидан бири сифати-

да 2010 йил сентябрида Бозорқўргон туман суди томонидан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Ўтган йилнинг нояброда Жалолобод вилоят суди ҳам Бозорқўргон туман суди ҳукмини ўз кучида қолдирганди.

Тўлейқан Исмаилова Азимжон Аскаровни озод қилиш ҳаракатлари Олий суд ҳукми чиққанидан сўнг янада кучайганини айтади:

-Биз кеча кечкурун Ҳюман Райтс Уотч билан гаплашдик. Чехиядаги Азимжон Аскаровга мукофот берган Вацлав Ҳавелнинг ҳамкаслари ҳам тайёр турибди. Бундан ташқари, Халқаро Амнистия, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи бир неча ташкилотларни бирлаштирган Франциядаги инсон ҳуқуқлари ассоциациясига ҳам мурожаат қилинган. Шу сабаб-

ли дунё ҳамжамияти ҳозир Қирғизистон ҳукуматидан тезликда суд тизимида ислохот ўтказилишини талаб қилмоқда. Азимжон Асқаров камоқда ўтирганда, биз озодликда бўлсак ҳам, ўзимизни у билан бирга камоқда ўтиргандай ҳис қиласиз, - деди Тўлейқан Исмаилова.

Қайд этиш ўринлики, 2010 йил сентябридаги дастлабки суд жараёнида Азимжон Асқаров ва у билан биргаликда қора курсига ўтказилган ўзбек миллатига мансуб етти нафар судланувчига қарши асосан милиция ходимлари гувоҳлик берганди.

Асқаров иши бўйича ўтган суд жараёнларини кузатиб борган жалолободлик ҳуқуқ фаоли Абдумалик Шарипов қуи инстанция судларида ҳам кўплаб қонунбузарниклар кузатилганини айтади:

-Бу ерда ҳар бир судланувчига уларни қонун доирасида ҳимоя қилинишига имконият берилиши керак эди. Бу ерда адвокатлар судланувчи олдига киролмаса, адвокатлар калтакланса, адвокатлар кўрқитилса, айбланувчилар томонидан келган гувоҳлар судга қўйилмаса, бу ерда процессуал қонун-коидалар жуда қўпол равишда бузилган. Биз бу ҳақда доим очик айтиб келганимиз. Шунинг учун, яна такрорлайман, бу ерда ноҳақ, ноконуний қарор чиқарилган, -

дейди Абдумалик Шарипов.

Азимжон Асқаров билан бир каторда мазкур иш юзасидан Мұхаммадзокир Кўчқоров, Санжарбек Мулавхунов, Элмурод Расулов, Истроилбек Абдураимов умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган, Мунира Мамадалиева ва Шукржон Мирзолимов 20 йилга, Дилшод Рўзибоев 9 йилга кесилган эди. Сешанба куни Қирғизистон Олий суди Мунира Мамадалиевага нисбатан қўйилаётган айбловлар қисман ўз исботини топмаганини инобатга олиб, унга нисбатан 20 йиллик қамоқ жазосини 11 йилча камайтириди. Бироқ бошқа судланувчиларга нисбатан қуи инстанциялар чиқарган суд ҳукми ўз кучида қолдирилди. Айни пайтда жабрланувчи тараф 20 декабр куни чиқарилган Олий суд қарорини “адолатнинг қарор топиши” ўлароқ баҳоламоқда. Жумладан, марҳум милиционер Миқтибек Сулайманов яқинлари бу қарорни бир йилдан ортиқ мuddат кутганларини таъкидламоқдалар.

Ҳуқуқ фаоли Тўлейқан Исмаилова эса Азимжон Асқаров ва у билан бирга судланган одамлар устидан чиқарилган суд ҳукмини сиёсий буюртма ўлароқ баҳолаб, бунда айrim сиёсатчилар жабрланувчилардан ўз манфаати учун фойдаланганини айтади:

-Судда сиёсатчилар жабрла-

нувчиларга босим кўрсатди, биз буни биламиз. Ҳақиқатни кўришни истамаган ўша сиёсатчилар судга ҳам босим кўрсатди ва жабрланувчи томон ҳамда миллатчилик шиорлари билан келган ёшлардан фойдаланди. Чунки Азимжон Асқаров ким нима қилганини, кимнинг ўғли қандай ишлар қилганини, ким отган, ким ҳарбий бўлимга бостириб кирганини – барчасини билади. Шунинг учун ҳозир ҳукуматнинг юкори курсиларида ўтирган айрим шахслар Асқаровнинг озодликка чиқишидан манфаатдор эмас, - деди ҳуқуқ фаоли Тўлейқан Исмаилова.

Аснода Азимжон Асқаровнинг адвокатлари ҳам ҳуқуқ фаолига нисбатан чиқарилган ҳукм юзасидан Олий судга қилинган арз билан чекланиб қолмаслигини айтмоқда. 21 декабр куни Бишкеқда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Асқаровнинг адвокати Нурбек Тўқтақунов ўз ҳимоясидаги ҳуқуқ фаолининг иши юзасидан эндилиқда халқаро судларга мурожаат қилажагини маълум қилди.

(Интернетдан)

Ҳуқуқ ҳимоячилари шу қунларда (03.22.2012) ҳам Азимжон Асқаровнинг ҳимояси учун кураш олиб бормоқдалар. (таҳририят)

ҲИКМАТ ДУРДОНАЛАРИ

Одаме эрсанг демагил одаме,
Ониким йўқ ҳалқ ғамидин гаме!

Алишер Навоий

Сен ҳам бир гишт бўлгин, дунёга,
Кемтигин топда, бор, қалан!

Абай

Шу ёвуз замонамда, куйладим, эркни мақтаб,
Хор-зорларга ачинмакқа чақирдим.

А. С. Пушкин.

Дунё яралгандан бери, подшо одил бўлган эмас.
Шоирлар қалам олганда, хатга тўғри согланган эмас.

Бердақ.

Кўзларида ёш тўла, бечораларга ёрман,
Умрида ғам кўрмаганлардан тамом безорман.

Чўлпон.

Сен ёнмасанг, мен ёнмасам, биз ёнмасак...
Кандай чиқар қоронгиликлар ойдинлико!

Нозим Ҳикмат.

Жаҳолат инсоннинг энг катта душмани. Бу борада маърифатпарвар адабимиз Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида: «Жаҳил деб ўқимаган, билимсиз ҳеч нарсага тушунмайдурган нодонни айтилур. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур» деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам жаҳолат ин қурган қалбда эзгулик ўрнини ёвузлик эгаллади. Жоҳил инсонда раҳм-шавқат, меҳр-муҳаббат хислари, одамийлик туйғулари бўлмайди.

яраштиришга уринишлари зое кетган.

Ҳеч ким онадан ёвуз ёки жиноятчи бўлиб туғилмайди. Аксинча, инсоннинг келажакда ким бўлиб улғайиши унга берилган тарбияга боғлик. Буни донишмандлар кўп бор таъкидлашган. Тошмаматовлар оиласидаги муаммонинг илдизи, албатта, фарзанд тарбиясига бориб тақалади. Ёри тўққиз нафар фарзандни вояга етказган. Лекин умр йўлдоши билан уларга муносиб тарбия бера олмаган кўринади. Акс холда ўғил бу қадар тубан кетиб, падаркуш деган ном

ЖАҲОЛАТ ҚУРБОНИГА АЙЛАНГАН ОТА

Қуёш уфқ ортига бош қўя бошлаган паллада Чироқчи туманининг Чорвадор қишлоғида яшовчи ота-бона Ёр ва Шавкат Тошмаматовлар далада ўзаро жанжаллашиб қолишиди. Шавкат отасидан ер участкаси олиб беришни талаб қилди. Ота эса бунга жавобан уни сўкиб, ҳақоратлади. Газаб отига мингган Шавкат муштларини туғиб, падари бузрукворига ташланди. Ёри Тошмаматов ўзини ҳимоя қилиш максадида қўлидаги қозиқни ўғлига қаратиб отди. Қозик бориб Шавкатнинг бўйнига тегди. Шундан сўнг баттар жаҳли чиқиб, ўзини бошқара олмай қолган ўғил отасини таёқ билан ура кетди. Ёри калтакнинг зарбидан миниб ўтирган эшагининг устидан йиқилди. Бундан фойдаланган Шавкат энди отасининг боши, бўйнига урди. Кейин арқон билан бўға бошлади. Отаси қонига беланиб, кимир этмай қолгач, нима қилиб қўйганини англаған ўғил қўлидаги жиноят қуролини овлоқ жойга отиб юбориб, ҳеч нарса кўрмагандек уйига равона бўлди.

Сабабсиз оқибат бўлмайди. Ушбу қотилликнинг сабабларини излар эканмиз, бир нарса эътиборимизни тортиди. Аниқланишича, 2001 йилдан бўён, яъни ўн йил давомида ота-бона Тошмаматовлар ўртасида мунтазам жанжал бўлиб келган. Бунинг асосий сабаби ўғил ер олиб беришни талаб қилиб отасини қийинқистовга олиб келган. Шу тариқа улар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, хурмат-иззат йўқолган. Ота болани, бола отани ҳақоратлашдан тийилмаган. Ёри ўғлининг устидан бир неча марта ички ишлар идораларига арз қилган. Ҳатто Шавкат Тошмаматов Чироқчи туман судининг қарорига биноан бир неча бор маъмурий қамоқ жазосини ўтаган. Бундан ташқари, бошқа оила аъзоларининг ҳам ўзаро муносабатлари яхши бўлмаган. Профилактика инспектори ва маҳалла фукаролар йигини фаолларининг уларни муросага чакириш,

олмаган бўларди. Қолаверса, халқимизда арпа эксанг арпа ўрасан, деган доно нақл бор. Ёри Тошмаматов бошида яхши эътибор берганида Шавкатнинг қалбида бу қадар жаҳолат ва ёвузлик ин қурмаган бўларди.

Шавкат уйланиб, оиласи, фарзандли бўлсада, умуман масъулиятни хис қилмаган. Ҳеч жойда ишламай, оиласини моддий жиҳатдан таъминлай олмагани учун турмуш ўртоғини икки боласи билан ота уйига ташлаб келган. Битта хотинни уddyалай олмаган Ш. Тошмаматов бошқа бир аёл билан никоҳсиз яшаб келган. Фарзандли бўлгач унинг ҳам жавобини бериб юборган. Кейин ҳеч нарса бўлмагандек биринчи хотинини олиб келиб, яна у билан яшаган. Бу далилларни бежиз келтирмадик. Субутсиз одам учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бундай инсон эса оиласининг ҳам, отона, яқин қариндошларнинг ҳам қадрига етмайди.

Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Суд жиноят иши тафсилотлари, гувоҳларнинг кўрсатмаларини атрофлича ўрганиб чиқиб адолатли хукм чиқарди. Шавкат Тошмаматов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айборд деб топилиб, 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Кариганда фарзандлари ардоғида тинч ва хотиржам яшашни ҳар бир ота-она орзу қиласи. Бунинг учун эса зурриётига бошидан тўғри тарбия бериб, унинг илму маърифатли бўлишига эътибор қаратса кексайганида меҳнатининг самарасини кўради. Фарзанд тарбиясида адашганлар эса оқибатда жабрини ҳам тортишади.

Р. Бекназаров

Ўзбекистонда чиқаётган “Постда” номли газетадан

Дунё яралибдики, кучли кучсизни, зўр эса қўрқоқни бўсундиришга интилади. Дунё туғилибдики, инсон деб аталмиш онгли мавжудотлар томонидан унинг тубидан чўққисигача бўлган барча макон маҳв этилиши йўлида аёвсиз кураш боради. Дунё барпо бўлибдики, Шарқ ва Фарб тамаддуни бири олиб, бири қўйиб олам тараққиёти пойдеворига тамал тошларини қўйиб келмоқда. Дунё ислоҳ килинибдики, биз кимпарат бўлишимиз керак, деган савол жавобсиз қолиб келмоқда.

Шарқпаратми, Фарбпаратми? Халқпаратми, ҳақпаратми? Бу саволга аждодларимиз ҳам жавоб беришга ожиз бўлғанлари боис Фарб дипломатияси бундан усталик билан фойдаланиб туркийларни бир-бирига тўқнаштириб туркийлар тарихида буюк фожеалар келтириб чиқармоқда.

КИМПАРАСТМИЗ?

Дарҳақиқат: са-

волларнинг адоги йўқ. Са-
воллар худди ёмғирдан кейинги
кўзиқоринлардек кўпайса кўпай-

яптики, лекин камаётгани йўқ. Камайтиришга уринишлар ҳам бўлмаяпти чамаси. Уринишлар бўлса ҳам бефарқлик ва лоқайдликнинг тубсиз уммонида ғарқ бўлмоқда. Дунёдаги воқеалар ривожи қайта-қайта ажойиб саволни кўндаланг қўймоқдаки, минг бора бефарқ, лоқайд бўлмайлик уни безътибор қолдириб бўлмайди. Савол ҳам жуда жозибали! Бизнинг кимпарат бўлишимиз ҳақида. Дарвоқе, биз кимга эргашишимиз керак?

Маълумки, истаймиз йўқми, дунё сиёсати буюк мамлакатлар томонидан белгилаб берилади. Балки кела-жакда биз буюк мамлакат бўлсан унинг сиёсатини белгилашда биз ҳам иштирок этармиз. Лекин минг афсуски, ҳозирча ундан эмас. Шу сабабдан буюк давлатлар томонидан белгиланган сиёсатга эргашмасдан бошқа иложимиз йўқ. Дунё кутбланиш билан овора. Россия бошчилигидаги бир қанча мамлакатлар ягона иктисодий худуд яратиш билан машғул. Яқин кўшниларимиз ҳам ундан жой олишиб ёки жой олиш арафасида. Буни ҳалқа дейдиган бўлсан бу ҳалқа бизга томон торайиб келмоқда. Шу кетища кетадиган бўлса яқин атрофда, бу худуд таркибиға кирмайдиган мамлакат қолмайди. Хўш, Ўзбекистон Евроосиён ҳамжамияти таркибиға кириши керакми ёки йўқми? Унга кирса нима бўладио, кирмаса нима бўлади?

Ўзбекистонни аграр мамлакат эканлигини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми Россияга азалдан экспорт килинишларини, уларнинг темир йўл транспорти орқали ўтиб денгиз портларига чиқишимизни, миллионлаб оддий ҳалқ вакиллари у ерда меҳнат билан машғул бўлиб

унинг орқасида ўз оиласарини ижтимоий-иктисодий фаровонлигини таъминлаётганлигини ва бошқа биз билган ва билмаган ҳолатларни хисобга олсан, ҳамда: “узоқдаги карин-

дош-
дан якин-
даги қўшни ях-
ши”, деган мақолга
риоя этсак бу ҳамжамият
 билан алоқаларни кучайтириш
 давр талабидир. Тўғри, бунда ушбу
 мамлакатнинг буюк давлатчилик иddaо-
 ларига дуч келишимиз мумкин. Лекин вақт
 олий ҳакам деганларидек, шу каби иddaоларни
 бошқача кўринишда ўзга буюк мамлакатлар томонидан
 ҳам кутсак бўлади. Бу ғарбий йўналишдаги мамлакатларга дахлдор.

Демократик қадриятлар ва инсон ҳукуклари устиворлигини эътироф этувчи ушбу мамлакатларнинг иккى ёқлама стандартлари кўпчиликни эътиборига тушиб ултургани сир бўлмаса керак. Демократик қадриятлар ва инсон ҳукукларини олий қадрият деб билган ҳолда манфаатлар қарама-қаршилигига дуч келинганда уни инкор этиш одатий ҳолга айланди, десак муболага бўлмаса керак. Балки бу барча буюкларга хос касалликдир. Лекин нима бўлганда ҳам биз буюклар касаллигининг оқибатларидан жабр кўрмаслигимиз керакдир. Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан шунга ўхшаш касалликларга чидамасдан иложимиз йўқка ўхшайди. Ушбу юртдаги уруш бизни кўп қадриятлардан маҳрум этилишимизга олиб келмоқда. Шу сабабдан бу урушни тезроқ тугашидан, коалицион кучларни кўллаб қувватлашдан ҳаммадан кўпроқ манфаатдор бўлсан керак. Лекин энг қизифи, бу уруш қачон тугашини ҳеч ким шу пайтгача билмаган ва билмайди ҳам. Бир пайтлар иккى буюк тузимнинг муҳораба майдони бўлган бу мамлакат, энди қайси тузим билан қайси тузимнинг жанг майдонига айланди? Унинг ўқ ва патак илдизлари қайга бориб тақалишини аниқлашнинг имкони йўқ. Балки бу бошқаларни асоратда ушлаб туришнинг бир воситасидир. Ахир неча ўн йилдан бўён давом этаётган бу урушнинг ибтидоси бўлганидек интиҳоси ҳам бўлиши табиатнинг қонуни-ку. Ойнинг иккала ўн беши ҳам зулматга чўлғанмайдику...

Биз Фарб билан қанчалик яқин бўлмайлик, у Россияга ўхшаб миллионлаб оддий ҳалқ вакилларини иш билан таъминлай олмайди, бизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларимиз учун бозорга айланмайди. Океан ортига темир йўл тортишни эса имкони йўқ. Бошқа темир йўл йўналишини яратиш, бозорни ташкилластириш, иш жойларини топишни эса, менимча, ҳозирча имкони йўқ.

Давоми 12-бетда

КИМПАРАСТМИЗ?

(Давоми, боши 11-бетда)

Афғонистонда тинчлик ўрнатилса, Эрон ва Покистондаги вазият илиқлашса, ҳамда эркин ҳаракатланиш имконияти туғилса, балки бунга эришилар. Лекин ҳозирча боридан фойдаланиш ўринлидир.

Вақти келиб Ғарб мамлакатлари ўз кўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиши аниқ ва тиникдир. Шу ҳолат юз бергудек бўлса, собиқ совет кўшинлари у ердан олиб чиқиб кетилган вазиятга ўхшаш ҳолат юз бериб, ғарбараст ҳукумат ағдарилиб ўрнини яна жангарилар эгалламаслигига ким кафолат беради? Шунда юртимиз жиддий хавф-хатар билан юзма юз қолмайдими? Афғонистондан НАТО кучларини олиб чиқиб бўлгач, биз унинг ва Ғарбнинг гаровига айланиб қолмасмишимиз? Яъни Афғонистондаги вазият бизни қўрқитиш қуролига айланмасмикин? Биз ва атрофдаги кўшнилармиз ҳам, хоҳлаймизми, йўқми кучли иттифоқчилик муносабатларига, ҳамкорлик ташкилотларига аъзо бўлишга муҳтождир. Бунинг биринчи йўли Россия билан алоқаларни кенгайтириш бўлса, иккинчи йўли коалицион кучларга ўз худудидан базалар беришдир. Тўғри бу билан Россиянинг жигига тегиши мумкин. Лекин Россиянинг ҳам жанубий чегараларда хавф хатар ўчоғи бўлишидан манфаати йўқдир. **Бунинг учинчи йўли эса зудлик билан туркий ҳалқлар иқтисодий иттифоқини шакллантиришдир...**

Нима бўлганда ҳам дунё сиёсатининг кузурлари қўлида қўғирчоқ бўлиб қолишидан ўзимизни асрashимиз ва одмирок бўлса ҳам ўзимизни куйлагимиз бўлгани яхши. Миллат, ҳалқ ўзига ўзи холисона ёндошмас экан буни бошқалардан кутиб бўлармикин! Шу сабабдан бизни ўзгалар олдида маглуб этадиган, тиз чўқтирадиган ички зиддиятларга барҳам беришимиш миллат, ҳалқ, ватан манфаатларини шахсий иддаоларидан устун деб билувчи ватанпарварларни метин бирлигини вужудга келтиришимиш лозим. Бир ривоятда ёзишларича “Ўрмондаги дараҳтлар бирданнiga шивирлаша бошлабдилар. Нима гап? Нима бўларди ўрмонга ўтинчи келибди. Нимаси билан келибди? Темир болтаси билан. Сопи нимадан экан? Сопи ўзимиздан экан”. Сопи ўзимиздан чиқмас экан ҳеч қандай ташки куч, таҳдид бизни енга ва қўрқита олмаслиги кундек равшандир. Лекин минг афсуски, бундай “соплар” ўйлаганимиздан ҳам кўпроқ эканлигини эътиборга олиб, барча гина-қудратларни унугтан ҳолда, бир ёқадан бош чиқариб иш тутмоғимиз давр талабидир.

Ҳалқимизда нақл бор, “Бирлашган ўзар, дерлар, фафлатда қолса миллат, тарикдек тўзар”, дерлар...

Буюк аждодларимиздан бўлмиш фалончи аллома дунё илмининг устуни, пистончи соҳибқирон “Европа-нинг ҳалоскори” бўлган, дея қўкрагимизга урган билан биз буюклар қаторидан жой олиб қолармикинмиз! Бир пайтлар “Европага ҳалоскорлик” килган аждодларимиз хаққи-хурмати Европа бизга “ҳалоскорлик” килдими

ёки қиласмикин! Йўқ албатта. Бунинг эвазига улар ўз вақтида сиёсий бошбошдоқлигимиздан фойдаланиб бизни босиб олишди, тор-мор қилишди, талашди. Ҳозирда эса назаримда бу ҳол шакли ўзгарган ҳолда давом этмоқда.

Нажотни ташқаридан эмас ўзимиздан қидиришимиз керак. Борлиғимизни, дилимизни, қалбимизни тарикдек тўзитиб, ўзгаларга ем этадиган салбий иллатлардан ҳалос этмоғимиз даркор. Биз ўзимизга ўзимиз ҳалоскор бўлмас эканмиз, ўзгалар бизга ҳалоскор бўла олмайди.

Хоҳлаймизми, йўқми, унитар сиёсат ва сафарбарлик мавжуд эмас. Қанчалик аччиқ бўлмасин сиёсий хурфикрлик йўқ. Жуда оғир бўлсада, тан олиш керакки, мамлакат ичкарисидаги сиёсий партиялар ҳалигача сиёсийлашмаган, ишонч кредитларининг фоизи паст. Кўлидан келган миллий бойлигимизни талаш, “нафс” ва “корин” қаҳрамонларига айланиш билан овора. Арзи додлари бошидан тепасига, тиззасидан пастига ҳам етиб бормайдиган миллионлаб фуқароларга эса “оқ итми, қора итми” фарки йўқ. Қисқаси. вазият жуда хатарли.

Шундай вазиятда аждодларимиз йўл қўйган ҳатоларни яна тақрорламай сиёсий иттифоққа бирлаша олиш қобилиятини шакллантиришимиз ҳар қачонгидан долзарбдир. Буни замоннинг ўзи кун тартибига қўймокда. Бунинг учун :

1. Мамлакат ичкариси ва ташқарисида бўлган барча соғлом фикрли фидойилар, конструктив муҳолифат вакилларидан иборат давра қенгашини ташкил этиш.
2. Сиёсий ва виждан тутқинларини дарҳол озод этиш.
3. Муҳолифатдаги сиёсий партияларни, инсон ҳуқуқлари ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш.
4. Бошқаларнинг аралашувисиз сиёсий шаффоғликини таъминлаш.
5. Сиёсий ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун фуқароларни таъқиб этишини тўхтатиши.
6. Сўз эркинлигини таъминлаш.
7. Сиёсий либерализм принципларини амалда бўлишига эришмоғимиз вожибдир.

Биздаги иллатлар ҳамма асрлар ва замонларда ҳам оёқ – қўлимизга киshan солинишига сабабчи бўлган. Ҳозир ҳам ундан кам эмас. Сиёсий бағрикенглик, тоқатбардошликнинг йўқлиги миллатни тарикдек тўзишига, сиёсий мустакиликнинг бой берилишига олиб келиши мумкин. Минг афсуски, бундан ҳанузгача сабоқ чиқарганимиз йўқ. Ўзгалар асрларга мўлжалланган режаларни амалга ошираётган бир пайтда фақат ўз калла- поччамиз, теримизни кашф этиши билан бандмиз. Бурнимиз тагидагини қўриш, қўлимиз етган жойдагини олиш билан оворамиз. Қўйингки, иллатлар кўп...

Биз фақат ва фақат ўзимизни эмас, балки келажакни ҳам ҳозирдан кашф этишимиз даркор. Бир ёки бир неча гурух инсонлар манфаати дея бутун бошли миллат, ҳалқ, ватан, келажак авлод манфаатига болта уриш бу

жохилликдир. Ахир бу дунё фақат бир ёки бир неча гурух инсонлар манфаатидан иборат эмаску. Манманлик бандасига ярашмайди. Буюкликин юкини фақат тоғлар күтара билади. Ҳаттаки, буюк тоғлар ҳам қанчалик буюк бўлмасин, чўккilarи булутлар билан тенглашмасин шу буюклиги туфайли осонгина ер билан яксон бўлиши мумкин. Шу сабабдан ёқадими, йўқми, сиёсий жабхада бағрикенг ва тоқатбардош бўлишимиз, ҳаммамизда ҳам керагидан ортиқ бўлган салбий энергияни миллат, ҳалқ, ватан манфаатлари йўлида ижобий энергияга айлантиришимиз ҳамда жаҳон айвонида ўз ўрнимиз ва сўзимизга эга бўлишимиз лозим. Биз ҳақпаст, ҳалқпаст бўлишимиз миллатни, ҳалқни ўз ядроси атрофида мустаҳкам бирлаштирган атомга айлантиришимиз керак. Ўзгалардан ижобий тарафларини олишимиз, салбий

иллатлардан эса сабок чиқармоғимиз даркор. Биз ўзгаларга эмас, балки ўзимизниларга ёқишга интилишимиз даркор. Дунё тараққиётida янги йўлни-олтин ўрталиқни топишимиз лозим. Шундагина ҳеч ким бизни қўрқита олмайди. Шунда биз ҳеч кимга қарам бўлмаймиз. Шундагина биз буюк аждодларимизнинг руҳларини шод айлаймиз. Шундагина бизга катта кичик итлар хуришдан ўзларини тиядилар.. Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, қўхна ва ҳамиша навқирон бу оламга буюк давлатлар эмас, балки буюк инсонлар жамияти заруратдир. Миллат рози, ҳалқ ҳамжиҳат, ватан обод бўлсин!

Р. Комилов.

(мақола қисқариб босилди - таҳририят)

ОЛИМ МАРДИКОРНИНГ САРГУЗАШТАРИ

Қатор китоблар ёзиб ихтиrolар қилган ва Ўзбекистонда агрохимия соҳаси бўйича нафака ёшига етмаган ягона профессор бўлишимга қарамай ”Юкорининг топшириғи” деб мени аттестация баҳонасида ишдан бўшатишиди. Адолат излаб қилган ҳаракатларим зоя кетди. Ойлаб ишсиз юришим натижасида иқтисодий ахволимиз пасайиб катта оила тирикчилиги оғирлаша бошлади. Оила тебратишнинг мен учун ягона йўли мардикорлик эди. Кейинги йилларда Тошкентда мардикорлик қилиш ҳаммага насиб қилаверадиган нарса бўлмай колди. Вилоятлардан Тошкентга иш қидириб келган аёлу-эркаклар тўлиб-тошиб ётарди. Бечораларнинг кўпчилиги ҳатто корнининг тўяри учун ҳам ҳар қандай ифлос ва оғир ишларнида қилишга жон деб рози эдилар. Шу боис оёғим операциядан кейин тўла тузалмаган, ҳали ҳассани бутунлай ташламаган бўлсамда мардикорлик қилиш учун қўшнилардан йўл кира учун пул қарз олиб Россияга кетишга жазм қилдим.

Ўтган илк баҳор кунларидан бирида барча иш кийиларимни сумкага жойлаб, 5-номерли Тошкент-Москва поездининг 15-(пласкарт) вагонига чиқиб ўз жойимни эгалладим. Пласкарт вагон арzonроқ бўлганлиги учун бўлса керак вагонда бўш жой йўқ эди. Йўловчиларнинг деярли барчаси 17-50 орасида бўлган мардикорлар эди, 60га етай деб қолган мардикор ягона мен эдим.

Поезд Қозоғистон чегарасига яқинлашганда шундог ҳам тўла бўлган вагонга билети бўлмаган яна 50 га яқин мардикорлар миниб олишди. Натижада вагонда юришгода жой қолмади. Ҳақиқий тўс-тўполон Қозоғистон чегарасида бошланди.

Қозоғистон чегара ва божхона ходимлари бизларни арзимаган нарсаларни баҳона қилиб ҳақоратлашар, пулларимизни тортиб олишар, бермаганлардан ҳатто уриб ҳам олишарди. Ҳеч ким уларга дакки бера олмас, тўла равишда анархия ва конунсизлик хукм сурарди. Бунда айниқса билетсиз чиқсанларнинг ахволи янада оғир бўлди...

Йўловчи мардикорлар учун бундай ахвол Россия чегарасида ҳам такрорланди. Тошкентдан Москвага боргунча 3 сутка давомида поезддаги турли хил текширувчи-тъмагирлар бир соат ҳам тўхтамади. 11-чи апрель соат 17 ларда поезд Москвадаги ”Қозон” вокзалига бориб тўхтади. Ўзбекистонлик йўловчи-мардикорларни вокзалнинг милиция ва рэкетлари қатор қилиб қўйиб паспортларини (ҳатто пулларини ҳам) тортиб олишди. Бечоралардан биронтаси ҳам ”ғиринг” дейиша олмасди. Қўлимизда халтаю турли хил сумкалар билан биз бечораларнинг туришимиз ГУТОП қилинаётган маҳбуслардан ҳеч ҳам фарқ қилмас эдик.

Бизларни шу ҳолатда телекамераларга туширишди ва буни 13-апрель эрталаб Москванинг 1-чи каналидан ”Добroe утро” кўрсатувида ”Чужие” (Бегоналар) рукни остида кўрсатишиди.

Бу кўрсатувда Россиянинг турли хил жойларида ишлаётган ўзбек мардикорларининг оғир ва аянчли яшаш ва иш шароитлари, ниҳоятда оғир ва ифлос ишларнида арзимаган пулга қилишлари, уларни маҳаллий ҳалқ ”Чурки” деб камситиш-ҳақоратларига чидашга мажбур эканликларини ўзига хос аянчу қоникиш билан намойиш қилишди.

Бу мардикорларнинг кўпчилиги ўзларининг оила тириклини учун бу даражада хору-зор бўлиб юришгани учун амалдорларни қарғашар, бугунию эртаси хору-зор, келажаги қоронғу бўлган Ўзбекистонлик бўлгандаридан кўзларига ёш олишиб афсусланишарди.

Бир неча Тўйтепалик мардикорлар билан Москвадан Владимир губернасининг Александров шаҳрига электричкада 2,5 соатда етиб бордик. Бу ерда уларнинг ҳамроҳлари ишлашар экан. Яшайдиган жойларимиз ташландиқ ва ҳароба уйнинг бир хонаси бўлиб, тагимиздаги тўшак ахлатта чиқариб ташланган латта-путтадан, ёстиқ эса оёқ кийимларимиз, кўрпамиз эса уст кийимимиздан иборат эди.

Ерда бир қарич қор бўлсада борган зоҳатиёқ ишга тушиб кетдик ва қаттиқ ҷарчаганимиздан ҳеч нарса емасдан ётиб қолдик. Бу ердаги магазинларни эрталаб соат 8 дан кейин очишлари боис эрталаб ҳам нонушта қилмасдан ишга кетишга тўғри келди. Ерда қор ва лой бўлсада очиқ шароитда бетон куйиш, цемент билан суваш, лой ташиш юмушларини шу ишларнингда топилганига шукур қила-қила бажаардик.

Афсуски мардикорликдаги бу қувончим ҳам узокка бормади. Зах ва совуқда кеча-кундуз оғир ишларни бажаришга операция бўлган оёғим бардош бера олмади, тиззам шишиб кетди. Бу ерда даволанишнинг на молиявий ва нада ташкилий имконияти бўлмагач зудлик билан поездга ўтириб, бир ҳафтача ишлаган иш ҳақимнида олаолмай Ўзбекистонга қайтишим керак бўлиб қолди. Мақолдаги ”Камбағални урма, сўкма, чопонини йирт” деганига ўхшаб мардикорликга кетиш учун қарз олган пулим ва унинг кун сайн ошиб бораётган фоизи ич-ичимни кемираради.

Александров шаҳридан ”Қозон” вокзалига кун ботганда етиб келдим. Кассаларда бугунга билет йўқ, аллақачон сотиб бўлинган экан. Поезднинг жўнашига 3 соатларча вақт қолган. Тиззамдаги шиши борган сари каттайиб оғриқ зўраяди. Нима қилишни билмай билетхонанинг бир чеккасида шом намозини ўқиб ҳам бўлгандим 25-26 ёшларидаги бир йигит келиб ”Амаки намозхон кўринасиз, Тошкентга билет керак бўлса арzonрок қилиб ёрдам берамиз” деб қолди. Талаффузидан Андижонлик эканини билиш қийин эмасди.

Паспортимни кўриб: ”Э, ҳали ҳожи ҳам экансиз, яхшиси сизни боссимиз – қори акамларга учратаман”, деб мени 30 ёшлардан ошган, кўзлари бежо, шпанасифат бир йигитнинг олдига олиб борди ва ”Амаки Тошкентга кетмоқчи эканлар, намозхон ва ҳожи ҳам эканлар. Соф исломга ўтиш бўйича балки сизнинг тарбиянгизгода муҳтоҷдирлар” деди-да ўзи ғойиб бўлди.

Қори (Қуръони каримни ёд биладиган)ларнинг кўпчилиги Фарғона водийсидан эканлигини билганимдан, турки кўнглимга ёқмаган бўлсада юрагимда бу йигитга ҳурмат уйғонди. Суҳбат асносида унинг Андижон хизбутчилари раҳбарларидан бири эканлиги, Лондондаги ”Ҳизб-ут-тахрир” ташкилоти билан доимий алоқада эканлиги, хизбутчилик фаолияти учун 2 марта қамалиб чиққанлиги, 3-чи марта узоқ муддатга қамалиш арафасида Москвага қочиб келгани, бу ерда ёшларни ва бошқа истак билдирганларни соф исломга (тўғрироғи хизбутчиликка) ўргатаётгани, исми Самаджон, яъни Аллоҳнинг ”Самад” (Хожатбарор) сифати билан сифатланганлиги боис Аллоҳнинг ризоси йўлида ватандошларнинг ”ҳожатини чиқариб” юргани...маълум бўлди. Ҳизбутчилар ҳақида кўп эшитганим, уларнинг Ўзбекистонда хавфли ва долзарб муаммога айлангани, бироқ бирон марта ҳизбутчилар билан ҳамсуҳбат бўлмаганим боис бу йигитга қизиқишим янада ортди. Самаджон деб мурожат қилишим унга ёқмади ва ”Амаки, менга барча каттаю-кичик ”Қори ака” деб мурожат қиласди, сизгада шуни маслаҳат қўраман”, деди. Ўғлим тенги йигитга ”ака” деб мурожат қилиш менга анча эриш туюлган бўлсада мен ҳам унга қори ака дейдиган бўлдим. Унинг билан мулоқат давомида Қуръондаги факат 2-3 тагина кичик суралар ва 3-4 та оятларнингина ёд билиши, бироқ уларнингда маъносини билмаслиги бу ”Қори” тўғрисидаги аввалги фикрларимни тўзғитиб юборди.

Менинг исломга ва Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Фироғий, Ал-Мотрудий, Навоий, Ал-Фаробий, Ибн Сино, Аз-Замахшарий, Беруний, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф каби алломоларга эътиқодим бениҳоя эканлигини, Накшбандия тариқати муриди сифатида ибодатлар қилишимни, ”Қуръони каримдан муҳтасар сабоқлар”, ”Ҳадиси шариф ўғитлари” каби рисолалар ёзганим, тасаввуф ва тариқат борасида ҳам қатор мақолалар эълон қилганимни айтиб балога қолдим.

Менинг шариату-тариқатдаги барча ибодату-риёзатларим соф ислом бўйича эмаслиги боис ботил эканлиги, чунки мен эътиқод қилган юқоридаги алломоларнинг барчаси тўғри ислом (йўли)да бўлмаганлиги, мен улуғ авлиёлар деб эътиқод қилган зотларнинг эса давомли ибодат ва риёзат таъсирида мияси айниғанлар бўлгани, тўғри йўл(ислом)да факат хизбутчилар экани ва бу Расулилоҳнинг ”Исломдаги 73 фирмадан факат биттаси тўғри йўлда, қолгани ботилдир” дегани билан событдир, деганидан кейин унинг Қуръон ва ҳадисни ўзича тафсир қилиб фатво чиқаришидан ва айнан шундай жохиллар террорист бўлиб исломга птур етказаётганини билганим боис юрагим орқамга тортиб кетди...

“Кори ака”нинг бундай маъруза ва тавсияларидан кейин мен ундан ҳадиксираб қочишга баҳона ва жой қидира бошладим. Шу пайтда Ўзбекистонга кетадиган поездга йўловчилар чиқариш бошланганини эълон қилиб қолди. У кичкина бир ишора қилганди, ёнига иккитаси югуриб келишди ва ”Хизмат қори ака”, дейишиди. Ўзбекистоннинг поездига билет қанча тураг экан? деб сўради, ўзи билсада. Билет нархи палон сўм, харажати (шапкаси) билан палон сўмга тушади, дейишиди улар.

Биз иймонли ва ҳожатбарор бўлганимиз учун, айниқса сиздай ҳожи ватандошлардан шапкасини олмаймиз. Фақат билетнинг пулини беринг, поездга ўтқазиб кузатиб қўямиз, деди. Мен хурсанд бўла-бўла айтган пулини бердим. Мени вагоннинг олдига олиб келди, проводник йигит ”Хизмат қори ака” деб унга тавозе билан пешвуз чиқди. Амаки Тошкентта борараканлар, ҳожи ҳам эканлар. Яхши купедан жой бериб, чой-сувига қараб боринглар, деб топширди ва биз хайрлашдик.

Проводник Наманганлик бўлиб анча хушфел кўринди. Нафақат ҳожи ва шунингдек қори акамизнинг меҳмони ҳам экансиз, шунинг учун сиздан шапкасинида олсак бўлмас, фақат билетнинг нархини беринг, кейинги станциядан билет сотиб оламиз, деди. Бундан менинг капалагим учиб кетди ва ”Кори акага берганман билетнинг пулини, Худо шоҳид”, дедим. У бўлса ”Бу давлатнинг поезди, биз эса давлат ишидамиз. Сизни билетсиз олиб кета олмайман, соат сайин текширишади. Шу боис поезд тўхтаган заҳоти тушингда қори акангиздан билетни олиб келинг, деди жиддий оҳангда.

Мен ноилож билетнинг пулини бердим. Бир соат ҳам ўтмай ҳовлиқиб келдида ”Станцияда билет сотмади, билетсиз кетадиган бўлдингиз. Текшириб келишаяпти, уларнинг оғзини ёпиш учун 10-15 минг бермасангиз поезддан тушириб юборишишади”, деб пул олиб кетди. Ва шу тариқа Тошкентта боргунча текширувчиларга бериш учун деявериб билет учун олганидан ҳам қўпроқ пулимни олди.


Чимкентдан ўтиб Ўзбекистоннинг чегарасига яқинлашганда ”Тошкентда қаттиқ текшираяпти экан, шу ердан таксида кетасизлар. Бу ердагилар ҳам ўзимизнинг жамоадан, барчаси ҳожатбарор одамлар, сизларни кутишаяпти” деб барча билетсизларни поезддан туширишди.

Поезд жўнар-жўнамас бир гала ”Ҳожатбарор” полициячию-рэкетчилар ёпирилиб келиб: ”Қани билетинг, билетинг бўлмаса визангни кўрсат, у ҳам бўлмаса жарима тўла, акс ҳолда шешенгди кўресен” дейишиб ёнимиздаги бор-йўқ пулимизнида тортиб олишди.

Агар фалакнинг гардиши тескари айланиб шу (”ҳожатбарор” хизбутчи)лар қудратга келиб қолса, шундоғ ҳам жабрдийда Ўзбекистон ҳалқи онасини Учқўргондан кўриб Советлар, давринида қўмсашлари турган гап, деган хаёл билан мардикорликка кетиш учун пенияга қарз олган пулларнида сарфлаб, пати юлинган товукдай шип-шийдон ҳолда уйга кириб келдим.

Мардикорликка кетганлардан бальзиларининг жасади келаётганидан хабардор оила аъзоларим ва яқинларим менинг тирик келганимдан бошлари осмонга етишди...

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Ал-Хоразмий мукофатлари лауреати, профессор - **Аҳмад ҳожи Хоразмий**



Қозоғистон ва Россия Марказий Осиё мардикорларига иқтисодий таянч манзили бўлиб қолмоқда.

ХАЗИЛ...ХАЗИЛ

МАРДИКОРНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Ҳамёнимда ҳемирим йўқ, қарам қилгим келади.
Туф деса, пул тупирганни, қарам қилгим келади.
Осмонларда учиб юрган булутларни уймалаб,
Молхонамга сомондай, ғарам қилгим келади.
Сомонларни сотовлиб, боғлаб Миррих, Зухални.
Ҳаводор ҳаво йўл, деб, паром қургим келади.
Ойга олмалар экиб, Сатурнга шафтоли.
Мерқурийни бир боғи эрам қилгим келади.
Янги ўзбек бўб кетсан, машриқни майшатгоҳ,
Мағрибни қўйларимга, қўрам қилгим келади.
Сўм элтиб самолётда, синдириб долларбойни,
Евронинг қўрган кунин, ҳаром қилгим келади.
Рокфеллер ранчосида, таралло-ялло қилиб,
Нью-Йоркда Оқ уйни, ҳарам қилгим келади.
Дошқозонда ош тортиб, ҳар кун Вашингтонда,
Клинтонни ҳассакаш, жўрам қилгим келади.
Моникосин Бекбувага бекач қилиб оббериб,
Хизматларин беминнат, бирам қилгим келади...
Ҳамёнда ҳемирим йўқ, қарам қилгим келади.
Туф деса пул тупирганни, қарам қилгим келади.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ.

АҲМАД ЯССАВИЙГА ТАҲМИС

Юртни нелар кутаро, қолмасмукин ўт аро,
Артел тўхтаб ётаро, бошлиқ дастгоҳ сотаро,
Амалдорлар қаторо элдин йигар чўтаро;
Бешак билинг, бу дунё барча ҳалқдин ўтаро,
Инномагил молингга, бир кун қўлдан кетаро.

Бўлуб диёр мустақил, бўлди шиор “растা қил,
Давлат ишин аста қил, баҳоналар даста қил,
Юртбошини хаста қил, молу дунё баста қил”,
Ота-она қариндош қаён кетти фикр қил,
Тўрт оёқлиғ чўбин от бир кун сенға етаро.

Қимға айтай додима, нетай, билмай қолдима,
Қистарлар ҳарён тама, эваз бермай ҳеч нима,
Имом эрса ҳар жума айтур, ўқиб калима;
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.

Ювош ҳалқка ёғар тош, қўрсатти кирғиз “қардош”,
Майли, бугун қил бардош, қилсун байрам Отунпош,
Лек шай бўл, ғамла қурғош, бўлажак яна пурҳош,
Аҳли аёл, қариндош – ҳеч ким бўлмайди йўлдош,
Мардона бўл ғариб бош, ўмринг елдек ўтаро.

Равонийға қил жахил, де муноғик, де баҳил,
Лек туркийлар бўл аҳил, аҳилсилиғ – риҳлат, бил,
Дин-иймонға йўқ даҳл, титрама, хаёт бир хил –
Ҳожа Аҳмад тоат қил, умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро.

Сайджаҳон РАВОНИЙ.

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Бош муҳаррир – С.Байдуллаев.

Муҳаррир ўринбосари – Б. Норбоев.

Дизайн: У.Курбонтоев

**ТУРКИСТОН
ТОНГИ**



Таҳририят манзили: Чимкент шаҳри, Интимоқ микрорайони, 1-уч. Тел. 8 (7252) 292587.

Мулк эгаси: якка тадбиркор “С. Байдуллаев”

**Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги, Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма
нашрларни ва (ёки) Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 – Г сонли, 2 феврал 2012
йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.**

Адади: 1000 дона. “Жамият ва Маърифат” МЧБ босмахонасида чоп этилди. Буюртма №

Таралиш ҳудуди: Қозоғистон Республикаси.

Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

Эслатмалар:

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан бўлмаслиги мумкин.
2. Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси қонунлари билан химояланган.
3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувоғиқлаштиришdir, “Туркистон
тонги”да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.
4. Ўқувчиларимиз маънавияти бойлигини хисобга олиб, саҳифалардан ножоиз жойларда
фойдаланилмаслигига умид қиласиз.
5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар “Туркистон тонги”дан олинганилиги кўрсатилиши лозим.